

Сийрат дарслари (69-дарс). Муаззинлар қиёмат куни бўйни энг узун одамлар бўлишади



13:40 / 24.01.2020 6116

318. Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман ибн Абу Соъсоа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, унга Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳу айтган: «Мен сенинг қўйни ва чўлни яхши кўришингни биляпман. Қачон қўйинг ичидা, чўлингда бўлсангу, намозга аzon айтадиган бўлсанг, овозингни баланд кўтар. **«Чунки қайси бир жин, инс ёки бирор нарса муаззиннинг овозини эшитса, албатта, Қиёмат куни унга гувоҳлик беради».**

Абу Саъид айтди: «Буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганман».

Бухорий ривоят қилган.

319. Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Муаззинлар Қиёмат куни бўйни энг узун одамлар бўлишади»**, деяётганларини эшитдим».

Муслим ривоят қилган.

320. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Аллоҳ намозни Набийингиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тили билан ҳазарда тўрт, сафарда икки ва хавфда бир ракат фарз қилди».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан